



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShQARUVINING QARORI

**Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун
таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга
ўзгартиришлар киритиш ҳақида**


Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/16-сон қарори (рўйхат рақами 2707, 2015 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 31-сон, 420-модда) билан тасдиқланган Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2018 йил 17 апрел
3/9 – сон



М. Нурмуратов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2018 йил “17” “март”даги
9/9-сон қарорига
ИЛОВА

**Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун
таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банднинг бешинчи хатбошисидаги “баланснинг балансдан ташқари моддаларга” деган сўзлар “кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 10-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Депозит чет эл валютасида киритилган бўлса, бу валютанинг қиймати кредит қолдиғининг камида 105 фоизини ташкил этиши лозим. Депозит валютасининг қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ҳисоботи ҳамда бошқа ҳисобот мақсадлари учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида божхона ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курси ўзгарганда қайта баҳоланиши лозим.”.

3. 3-боб ўз кучини йўқотган деб топилсин.

